Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2013 йил 3 июль
ЧОРШАНБА
№ 54 (12586)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

## ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!

Иқтисодиёт

**"Ўзбеккўмир" очиқ акциядорлик жамиятига қарашли "Ангрен кўмир кони" унитар корхонаси ҳақиқатан мамлакатимиз кўмир саноатида етакчи ўринни эгаллайди.**

## КЎМИР САНОАТИДА ЕТАКЧИ

Мазкур корхона кондан кўмир ва тоғ жинсларини қазиб олиш, уларнинг устки қисмини очиш билан шуғулланади. Бу жараён 300-350 метргача бўлган ер қаърида амалга оширилади.

Қазиб олинаётган кўмир ҳажми йилдан йилга ортиб бормоқда. Хусусан, 2009 йилда 3 миллион 145 минг 148 тонна қазиб олинган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич салкам 4 миллион тоннага етди.

– Мен бошқараётган "Ротор" русумли экскаватор Германиядан келтирилган, – дейди машинист Туроп Умиров. – Унда кўмир қазиб олиш самарадорлиги жуда юқори.

Модернизациялаш ва инвестиция киритиш дастурига кўра, корхонага Россиядан 4 та "ЭКГ-16,5", 5 та "ЭКГ-5У", 4 та "ЭКГ-8УС" русумли экскаваторлар, шунингдек, Хитойда ишлаб чиқарилган конвейер транспортёрлари келтирилди. Натижада иш унумдорлиги янада ошди.

Бу ерда меҳнат қилаётган 1958 нафар ишчи-хизматчиларга қулай шарт-шароит яратилган. Умумий овқатланиш, дам олиш, ювиниш хоналари ишчилар ихтиёрида.

Корхонага ёш кадрларни жалб этиб, уларнинг касбий билимлари ва салоҳиятларидан самарали фойдаланилмоқда. Сўнгги уч йил мобайнида қарийб 300 нафар касб-ҳунар коллежи битирувчилари ишга қабул қилинди.



**СУРАТДА:** корхона экскаватор машинисти Туроп Умиров.

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

**Бокуда "Жонли тарих" халқаро фестивали доирасида Ўзбекистон сайёҳлик салоҳиятининг тақдимоти бўлиб ўтди.**

## САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИ БОКУ АНЖУМАНИДА

Юртимизнинг бу борадаги бой имкониятлари ҳамда мамлакатимизда сайёҳлар оқимини кўпайтириш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар билан халқаро ҳамжамиятни таништириш мақсадида ташкил этилган мазкур тақдимот маросимида Озарбайжон ҳукумати аъзолари, ижтимоий-сиёсий, ишбилармон доиралар, ижодий жамоатчилик, давлат ва хусусий сайёҳлик агентликлари, оммавий ахборот воситалари, шунингдек, дипломатия корпуси ҳамда халқаро ташкилотларнинг вакиллари иштирок этдилар.

Тақдимот чоғида унинг қатнашчилари Ўзбекистонда сайёҳлик жабҳасини янада ривожлантириш, унинг инфратузилмасини халқаро андозаларга мос тарзда такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар, шунингдек, мамлакатимизнинг бой тарихи, Тошкент, Самарқанд, Бухора, Хива, Шаҳрисабз ва Фарғона водийси шаҳарларининг кўҳна меъморий ва маданий ёдгорликлари билан танишдилар.

Икки кун давомида Ўзбекистон бўлмаси халқаро анжуманнинг кўп сонли қатнашчилари ва меҳмонларининг диққат марказида бўлди. Улар ўзбек халқ усталари томонидан яратилган ранг-баранг мато ва миллий либослар, эсдалик совғалари сингари ўзига хос ва бетакрор амалий санъат буюмларини кўриб завқланиш ҳамда ўзбек таомларидан татиб кўриш имконига эга бўлдилар.

– Бой ва қадим тарихга ҳамда маданиятга эга бўлган мамлакатингиз бўлмасида ўзимизни худди Ўзбекистонга бориб қолгандек ҳис қилдик, – деди "Достлуг-Дружба" халқаро жамоатчилик ташкилотининг вице-президенти Рена Аббасова. – Менинг фикримча, кўҳна Боку фестивалида Ўзбекистон Республикаси муносиб равишда тақдим этилди. Кўргазма пештахталаридан жой олган гиламдўзлик, тўқимачилик, каштачилик маҳсулотлари, миллий либослар, чинни ва кулолчилик буюмларининг гўзал ва ўзига хослиги ўзбек халқ амалий санъатининг нақадар ноёб ва нафислигидан далолат беради.

**"Жаҳон" АА, Боку.**

Рағбат

**Бу йилги ғалла ўримида контрактация шартномаларини биринчилардан бўлиб бажарган, энг юқори ҳосилдорликка эришган ва давлат буюртмаси учун энг кўп ошиқча ғалла топширган фермерлар вилоят ҳокимининг қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар.**

## ЛАФЗИ ҲАЛОЛ ФЕРМЕРЛАР ЭЪЗОЗДА



Бўстонлиқ туманидаги "Хонбалиқ" мажмуасига фидокорона меҳнати, соҳага оид билим ва тажрибасини аямай, мамлакатимиз ғалла мустақиллигига муносиб ҳисса қўшиб келаётган заминдорлар таклиф қилинди. Бу фермерларнинг аксарияти ҳар йили мўлжалдагидан анча ошириб сара дон олишга одатланишган. Улар контрактация шартномаларини ортиғи билан бажариб, Ватанимиз хирмонларини юксалтирмоқдалар, хўжалик аъзоларини дон билан таъминламоқдалар.

– Ер эгаларининг имкониятлари кенг. Ташаббускор, юксак марраларни кўзлаб ишлаётган фермерлар бозор иқтисодиётига мос салмоқли натижаларни қўлга киритмоқдалар, – дейди Оҳангарон туманидаги "Тараққиёт" фермер хўжалиги раҳбари Абдуқодир Нодиров. – 115,2 гектар ерга ғалла экканмиз. Бу йил ҳосил ҳар қачонгидан мўл бўлди. Қабул пунктларига 445 тонна дон жўнатишга улгурдик, яна қўшимча 50 тонна ўриб берамиз. Бу йўлдан оғишмай бориб, келгусида бунданда баракалироқ ҳисса қўшамиз деган умиддаман. Бугун биз биринчи бўлдик, эртага сафимиз янада кенгаяди. Қишлоқ хўжалиги ривожланиб бораяпти, демак вилоятимизда бошоқли дон, пахта, шоли, ҳўл мева ва сабзавотлар ҳосилдорлиги ортиб бораверади.

Тўкин дастурхон атрофида фермерлар ўз режалари, ғўза ривожининг бугунги аҳволи, хўжаликни кўптармоқли қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида суҳбатлашишди.

Табриклар куй ва қўшиқларга уланди – таниқли хонанда ва созандалар фермерлар хизматида бўлишди.

**СУРАТЛАРДА:** ғалла ўримида ўрнак бўлган фермерларни тақдирлашга бағишланган тадбир лаҳзалари.

**Еркебой БОТИРОВ ва Даврон АҲМАД олган суратлар.**



## УМУМИЙ ЎРТА ВА ЎРТА-МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИНИНГ МАЖБУРИЙЛИГИ – БАРКАМОЛ ЁШ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИДИР

**Юртимизнинг истиқлол йилларида босиб ўтган тараққиёт йўлига назар ташласак, республикамиз Президенти Ислом Каримов раҳнамолигида миллий таълим тизимини мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш, ёшларнинг ҳар томонлама етук, соғлом ва баркамол бўлиб улғайиши учун барча шарт-шароитни яратишга йўналтирилган улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётганлиги яққол намоён бўлади.**

Мустақиллик эълон қилинган дастлабки даврдан Ўзбекистонда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, хусусан, шахс ҳуқуқининг ажралмас таркибий қисми саналган болалар ҳуқуқини таъминлаш давлат сиёсати даражасидаги устувор вазифалардан бири сифатида белгиланди. Тарихан қисқа даврда мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялаш соҳасида улкан муваффақиятларга эришилмоқда ва бу дунё ҳамжамияти томонидан муносиб баҳоланмоқда.

Мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, "Ниманики ўз олдимизга мақсад қилиб қўймайлик, қандай буюк ишларни амалга оширишга интилмайлик, барча олижаноб ҳаракатларимизнинг негизида, барча эзгу ниятларимизнинг замирида фарзандларимизни ҳам жисмонан, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси мужассамдир".

Ўз-ўзидан аёнки, эски тузум даврида узоқ йиллар давомида вужудга келган эски таълим тизимини тубдан қайта қурмасдан ва ислоҳ этмасдан туриб, бу мақсадга эришиб бўлмасди. Айнан шундай эзгу мақсадни рўёбга чиқариш учун давлатимизда ёшларимизнинг истиқболини таъминлайдиган барча ташкилий-ҳуқуқий чоралар амалга оширилди, муҳим қонунлар қабул қилинди, давлат дастурлари ҳаётга татбиқ этилди.

Жумладан, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларининг қонуний асосини ташкил қилувчи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддасида ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эгалиги, бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланиши ва мактаб ишлари давлат назоратида бўлиши белгилаб қўйилди.

Мамлакатимизнинг таълим тизимини изчиллик билан ислоҳ қилиш ва бу соҳадаги давлат сиёсатини мустаҳкамлаш борасида 1997 йил 29 августда қабул қилинган "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида"ги ва "Таълим тўғрисида"ги Қонунлари тарихий қадам бўлди. Мазкур Қонуннинг 3-моддасида таълим соҳасида давлат сиёсатининг асосий принциплари, хусусан, таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги, шунингдек, умумий ўрта ва ўрта-махсус касб-ҳунар таълимининг мажбурийлиги белгиланди.

Давлатимиз раҳбарининг узоқ ва давомли мақсадларни кўзда тутадиган концептуал ғоялари асосида ишлаб чиқилган Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури ижросини таъминлаш жараёнида, 9 йиллик умумтаълим мактаб босқичини ва 3 йиллик ўрта махсус, касб-ҳунар таълим босқичини ўз ичига олган, мамлакатимизнинг ривожланиб бораётган ижтимоий-иқтисодий инфратузилмасини юқори малакали кадрлар билан таъминлашнинг узлуксиз таълим тизими яратилди. Шу асосда юртимизда 12 йиллик умумий мажбурий бепул таълим тизими жорий этилди.

(Давоми 2-бетда).

**Тошкент Давлат аграр университетида "Энг намунали бошланғич ташкилот" танловининг вилоят босқичи ва ўқув-семинар машғулотлари бўлиб ўтди.**

## ЭНГ НАМУНАЛИ БЎЛИШ ОСОНМАС

Унда танловнинг туман, шаҳар умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус таълим муассасаларида ўтказилган босқичларида юқори натижаларга эришган 180 нафар вакил иштирок этди.

Ўқув-семинар давомида ўтказилган "Энг намунали бошланғич ташкилот" танлови шартларига кўра, энг юқори натижага эришган 10 нафар умумтаълим мактаблари ва 10 нафар ўрта махсус касб-ҳунар коллежлари бошланғич ташкилотлари етакчилари танловнинг республика босқичига йўлланмани қўлга киритди. Уларга ташкилотчиларнинг дипломи ва махсус соврини топширилди.

**Умида ИСАЕВА.**

«Ёз – 2013»

## БОЛАЛАР СЎЛИМ ОРОМГОҲЛАРДА ДАМ ОЛМОҚДА

**Мамлакатимизда ўқувчиларнинг ёзги дам олиш мавсумини самарали ўтказиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

Вилоятимизда жорий мавсумда 27 минг нафардан зиёд ўқувчини кўнгилдагидек дам олиши режалаштирилган. Шундан 11 минг 200 нафар ўқувчи шаҳардан ташқарида жойлашган 13 стационар, қолгани мактаб ва коллежлар қошида ташкил этилган 123 кундузги оромгоҳда соғломлаштирилади. Меҳрибонлик уйларининг 120 нафар тарбияланувчиси имтиёзли тарзда дам олади.

Айни пайтда оромгоҳларда ўқувчиларнинг ёзги таътилини кўнгилдагидек ташкил этиш, кам таъминланган оилалар фарзандлари, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини кенг жалб этиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

– Вилоятимиздаги мавжуд оромгоҳларни мавсумга тайёрлаш ишлари ўз вақтида бажарилди, – дейди Тошкент вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Ж. Саидов. – Асосий эътибор болаларни оромгоҳларга кўпроқ жалб қилиш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ва фойдали ташкил этиш, саломатлиги ва хавфсизлигини таъминлаш, улар ўртасида маданий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари ва танловларни мунтазам ўтказишга қаратилди. Барча оромгоҳда маънавият ва маърифат, компьютер хоналари, кутубхоналар, турли тўгараклар ташкил этилди.

Ёзги мавсумда кундузги оромгоҳлар фаолиятини самарали ташкил қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни пайтда 60 таълим муассасаси қошидаги оромгоҳда 4 минг 815 нафар ўғил-қиз соғломлаштирилмоқда.

– Ёзги оромгоҳларда болаларнинг нафақат дам олиши, балки ўқув йили давомида олган билимини мустаҳкамлаши учун ҳам қулай имкониятлар яратилган, – дейди таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Ўрта Чирчиқ тумани кенгаши раиси М. Давлатов. – Туманимиздаги тўққизта мактабда ташкил этилган ёзги соғломлаштириш оромгоҳларида 900 нафар бола таътилни мароқли ўтказмоқда. Мавсум давомида яна шунча ўсмир дам олади. Бу ерда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, халқ таълими, маданият ва спорт ишлари, соғлиқни сақлаш бошқармалари билан ҳамкорликда кўнгилочар тадбирлар, спорт мусобақалари, турли машғулотлар ўтказилмоқда. Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллигига бағишланган маърифий-маданий тадбирлар, мушоиралар, давра суҳбатлари, олимлар, ёзувчи ва шоирлар, санъаткорлар билан учрашувлар ҳам ташкил этилаётир.

Ёзги таътил давомида жамоалар ва оромгоҳлар ўртасида ўтказилаётган турли спорт мусобақалари ҳам болаларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

**Х. САЛИМОВ, ЎзА мухбири.**

# УМУМИЙ ЎРТА ВА ЎРТА-МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИНИНГ МАЖБУРИЙЛИГИ — БАРКАМОЛ ЁШ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИДИР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Таъкидлаш керакки, таълим тизими ислоҳ қилиниши билан бирга таълим муассасаларининг моддий-техника базаси ҳам ҳар томонлама мустаҳкамланмоқда. Амалга оширилган кенг кўламли чора-тадбирлар туфайли республикада 1549 та замонавий таълим муассасалари, шундан 1406 та касб-ҳунар коллежи ва 143 та академик лицей барпо этилди. Мазкур таълим муассасаларида мутахассислар тайёрлаш учун барча зарур шароитлар яратилган.

Жумладан, жиҳозланган компьютер синфлари, кутубхоналар, спорт заллари, секциялар, зарур бўлган инвентарь билан таъминланган ётоқхоналар, ошхоналар ўқувчилар ихтиёрига топширилган. Яратилган бундай шароитларнинг барчаси ўқувчиларнинг танланган йўналиш бўйича бир ёки бир нечта замонавий мутахассислик олишга қаратилган касбга оид чуқур билим олишларига замин бўлиб хизмат қилмоқда.

Дарҳақиқат, айнан касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг кўпчилик қисми республикамизда фаолият кўрсатаётган замонавий илғор технологияларга асосланган корхоналарда меҳнат қилиб, жаҳон бозорида рақобатбардош ҳисобланган маҳсулотларни ишлаб чиқариш жараёнининг фаол иштирокчиларига айландилар. Масалан, "GM-Uzbekistan" ёпиқ акциядорлик жамиятида ишлаётган 7956 нафар ишчи-хизматчининг 2877 нафарини ёки 36,1 фоизини касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ташкил қилади. Ёки "Ўзбекенгилсаноат" компанияси тизимидаги корхоналарда 15 минг нафардан ортиқ, "Ўзбекнефтгаз" компанияси тизимидаги корхоналарда 2 минг нафардан ортиқ касб-ҳунар-коллежлари битирувчилари хизмат қилмоқдалар. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Шунингдек, умумтаълим тизимидаги ислоҳотлар, таълимнинг замонавий илғор услубларининг кенг жорий қилиниши, таълим-тарбияга бўлган эътиборнинг тубдан яхшиланиши ўзининг самарасини бермоқда. Ўқувчиларнинг фанларни ўзлаштириш даражаси ва дунёқараши кенгайиб, улар халқаро фан олимпиадалари, интеллектуал беллашувлар, кўрик-танловларда қўлга киритаётган ютуқлари билан Ўзбекистон довруғини дунёга таратмоқдалар.

Охирги икки йил давомида 33 нафар ўғил-қизимиз жаҳон миқёсида ўтказилган фан олимпиадалари ва мусобақаларда ўзининг чуқур билими, интеллектуал салоҳияти, теран фикрлари ва ўткир тафаккури билан ғолиблар шоҳсупасидан ўрин эгаллаганлиги, мамлакат тақдирига бефарқ бўлмаган ҳар бир инсон қалбига чуқур ғурур ва ифтихор туйғусини бахш этади.

Ёшларни соғлом турмуш тарзи асосида тарбиялаш, оммавий спортни ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси таъсис этилди. Юртимизнинг барча ҳудудларида, ҳатто олис қишлоқларимизда ҳам спорт анжомлари билан жиҳозланган замонавий спорт мажмуалари, муҳташам спорт саройлари, стадионлар, жисмоний тарбияга ихтисослашган мактаблар барпо этилди. Ўқувчи ва талабаларнинг уч босқичли "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва "Универсиада" республика мусобақалари мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда.

Энг муҳими, миқёси ва кўламига кўра бениҳоя улкан бўлган бу ишларнинг барчаси ўзининг салмоқли натижаларини бермоқда. Кейинги икки йилда ёшлар ўртасида ўтказилган Жаҳон ва Осиё чемпионатларида ҳамда бошқа йирик халқаро беллашувларда 490 нафар ёш спортчиларимиз совринли ўринларни эгаллаган бўлса, уларнинг 132 нафари барча рақибларини доғда қолдириб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилдилар ва Ўзбекистон мадҳиясини дунё майдонларида баланд янгратиш бахтига муяссар бўлдилар.

Узлуксиз таълим тизимининг яратилиши ва таълим сифатининг тубдан яхшиланиши вояга етмаганларнинг билим олишга ва касб-ҳунар ўрганишга бўлган қизиқишларини янада оширди, бу эса ўз навбатида уларнинг бандлигини таъминлаб, вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликни кескин қисқартиришга эришишга имкон берди. Хусусан, 2012 йилда 2000 йилга нисбатан вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик 30,5 фоизга камайган.

Болалар, жумладан, ўқувчилар орасида жиноятчиликнинг камайиши қувонарли ҳол, албатта. Шу билан бирга вояга етмаганларга нисбатан етарли назорат бўлмагани оқибатида уларнинг ўқув муассасаларига бормаслиги ҳолатлари мавжудлиги ташвишга солиши табиий. Жумладан, 2012-2013 ўқув йилида 5 минг нафардан ортиқ ўқувчилар бирон-бир узрли сабабсиз сурункали равишда касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларга ўқишга келмаган. Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар ва прокуратура органлари томонидан кўрилган ҳуқуқий чоралар натижасида улардан аксарият қисми таълим муассасаларига қайтарилди.

Ўтказилган назорат тадбирларида умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари масъул ходимлари томонидан машғулотларга сабабсиз келмаётган ёки мунтазам равишда қатнашмаётган ўқувчиларни аниқлаш, ҳисобини юритиш ва таълимга жалб қилиш ишлари тўғри йўлга қўйилмаганлиги аниқланди.

Масалан, Мирзо Улуғбек туманидаги 27-сонли умумтаълим мактаби директори Е. Заирова ва директор ўринбосари М. Ражаповалар ўзаро жиноий тил бириктириб, 2009 йилда Бельгия давлатига кетган 5-синф ўқувчиси Д. Боймаматовани тўрт йил давомида дарсларга қатнашганлиги ва билими баҳоланганлиги ҳақида журналга ёзувлар киритиб, синфдан-синфга ўтказиб келганликлари учун жиноий жавобгарликка тортилдилар.

Давлат томонидан болаларимизнинг келажагини ўйлаб, қанчадан-қанча сарф-харажат эвазига 12 йиллик бепул ўқишни ташкил қилиб, замонавий технологияларга асосланган, жаҳон илғор таълим стандартларига мос билим олиш учун шароитлар яратиб берилса-ю, бола коллежга бормаса, қани бу ерда тартиб-интизом, қани масъулият!? Нима учун жойларда ҳокимликлар, ўзини-ўзи бошқариш органлари, профилактика инспекторлари, жамоатчилик, қолаверса бола тарбияси учун бевосита жавобгар бўлган ота-оналар ва бошқа масъул шахслар бепарволарча қўл қовуштириб ўтирибди? Бундай бепарволик жиноят эмасми?

Ваҳоланки, мамлакатимиз қонунчилигида 12 йиллик таълим умуммажбурий эканлиги белгилаб қўйилган бўлиб, қонуннинг мазкур талаби ижросини қатъий таъминлаш барчамизнинг бурчимиздир. Афсуски, баъзи ота-оналар ва мансабдорлар ўзларига юклатилган вазифаларига нисбатан бундай масъулиятсизлик учун жавобгарликнинг мавжудлигини унутиб қўйганлар. Бу соҳада прокурор назоратини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилиб, ўтган йилда ва жорий йилнинг 5 ойида ўқувчи ва талабаларнинг ўқув муассасаларига келиб-кетишини таъминлаш учун масъул бўлсада, мансаб вазифаларини лозим даражада бажармаган 2 минг нафар таълим соҳаси ходимлари интизомий жавобгарликка тортилганлар.

Шу ҳолатларни инобатга олган ҳолда умумтаълим мактабларининг 9-синфини битирувчиларини кейинги ўқиш босқичларига жалб этиш борасидаги қонунлар ижроси устидан назоратни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозир жорий йилда мактабни битираётган 530 мингдан ортиқ ўқувчиларни касб-ҳунар коллежлари ва лицейларга жойлашишини тўлиқ қамраб олиш мақсадида жойлардаги прокурорларга маҳаллий ҳокимликлар, таълим муассасалари ва бошқа мутасадди идоралар билан ҳамкорликда амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар хусусида топшириқ юборилди. Ушбу вазифани ижросини таъминлашнинг барча чоралари кўрилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ўқувчи ва талабаларнинг машғулотларга қатнашиш давоматини таъминлаш фақатгина ўқув муассасаси раҳбарлари ва ўқитувчилари зиммасидаги вазифа эмас, балки бу жараён кўп жиҳатдан ота-оналарга, уларнинг фарзанди таълим-тарбияси билан нечоғлик шуғулланишларига бевосита боғлиқдир. Ваҳоланки, бола тарбияси ҳам қонуний асосларда, ҳам маънавий-ахлоқий жиҳатдан ота-оналарнинг фуқаролик ва инсоний бурчидир.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 47-моддасида ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар фарзандларининг тарбияси ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларини бажармаганликлари учун маъмурий жавобгарлик белгиланган бўлиб, айнан шу асослар билан 2012 йилда ва жорий йилнинг ўтган даврида 3,5 минг нафар ота-оналар жавобгарликка тортилдилар.

Бундан ташқари, 250 нафар ота-оналарнинг муомала лаёқати чекланган ёки ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган.

Бу борада бир мисол келтириш ўринлидир. Чирчиқ шаҳрида яшовчи фуқаро Е. Шарипова спиртли ичимлик истеъмол қилиб, тўққиз яшар қизи Л. Шариповани мунтазам равишда уриб, унинг мактабга ва кўчага чиқишига тўсқинлик қилган ва узоқ муддат давомида хонага қамаб, устидан қулфлаб қўйган. Оқибатда қиз бундай шафқатсизликка чидамасдан ўзини 3-қаватда жойлашган хонадоннинг балконидан ерга сакраб, оғир тан жароҳатлари олган. Врачларнинг ёрдами билан қизнинг ҳаёти сақлаб қолинган. Онасига нисбатан эса жиноят иши қўзғатилиб, жавобгарликка тортилди.

Ўқувчиларнинг машғулотлардаги давомати назоратсиз қолиши, уларнинг узрсиз сабаблар билан дарсга қатнашмасликлари, ҳатто узоқ муддат давомида таълим муассасаларига умуман келмасликлари фарзандларимизнинг жиноят йўлига кириб кетишдек мудҳиш оқибатларга олиб келмоқда.

Масалан, Булоқбоши туманидаги иқтисодиёт ва енгил саноат касб-ҳунар коллежи талабаси Н. Тоштемиров умумтаълим мактаби ўқувчилари Ш. Қудратиллаев ва Ш. Исоқовлар билан жиноий тил бириктириб, савдо дўконидан 1,2 млн. сўмлик уяли телефон аппаратлари ва эҳтиёт қисмларини ўғирлаганлар.

Содир этилган жиноятлари учун ушбу гуруҳ аъзолари жиноий жавобгарликка тортилдилар, албатта. Лекин, афсус билан таъкидлаш лозимки шундай номақбул гуруҳларга кириб қолиб, турли хил жиноятлар, шу жумладан оғир жиноятларга қўл ураётган вояга етмаган болалар борлиги, уларнинг таълим-тарбиясидаги нуқсонлардан далолат беради. Бу ҳақда ота-оналар, ўқитувчилар, синф раҳбарлари, таълим муассасаларининг мансабдор шахслари, қўйингки барчамиз чуқур ўйлаб, тегишли хулоса чиқаришимиз ва бундай ҳолатларнинг олдини олиш чораларини кўришимиз керак.

Шу ўринда яна бир долзарб масалага алоҳида тўхталиш лозим. Касб-ҳунар коллежларини тамомлаган фарзандларимизнинг мутахассислиги бўйича иш билан таъминланиши, уларнинг келажак ҳаётда ўз ўрнини эгаллашларида муҳим аҳамиятга эга. Шу боис касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, тегишли мутахассисликлар бўйича янги ишчи ўринлари ташкил қилинмоқда.

Аммо, назорат тадбирларида аниқланишича, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш борасидаги ишлар талаб даражасида ташкил этилмагани, бу жараёнда ҳисоботларга қўшиб ёзиш, тугатилган ёки фаолият юритмаётган корхоналар билан сохта шартномалар тузиш, битирувчилар ҳали ишга чиқиб улгурмасидан шартномаларни бекор қилиш каби ҳолатлар мавжуд. Бундай қонунбузишларга йўл қўйган мансабдор шахслардан 2300 нафардан ортиғи интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилдилар, 74 та ҳолат бўйича эса жиноят иши қўзғатилди.

Ёшларни узлуксиз мажбурий таълим билан қамраб олинишига салбий таъсир ўтказадиган муаммоли ҳолатлардан яна бири ўқувчи қизларни, шу жумладан никоҳ ёшига тўлмаганларнинг эрга бериб юборилишидир. Олиб борилаётган тушунтириш ишларига қарамасдан, 2012-2013 ўқув йилида лицей ва коллежларда таълим олаётган 2114 нафар қизлар ота-оналари томонидан эрга бериб юборилган, оқибатда улардан 944 таси ўқув машғулотларига умуман қатнашмай қўйган.

Ушбу ҳолатлар юзасидан никоҳга киришган шахсларнинг, шунингдек, бунга йўл қўйган ота-оналар, таълим, диний муассаса ходимларининг жавобгарлик масаласи ҳал қилинмоқда. Лекин, кўрилган чоралар ўзининг етарли самарасини бермаётганлиги сабабли бундай салбий иллатга нисбатан қатъиятлилик ва талабчанликни кучайтиришимиз керак. Шу ўринда алоҳида айтиш керакки, никоҳ ёши тўғрисидаги қонунчилик талабларини бузганлик, яъни никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳга киришиш, уни эрга бериш ёки уйлантириш, шунингдек, никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳ тузишга доир диний маросимни амалга ошириш учун жавобгарликни белгиловчи нормалар Оила Кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ва Жиноят кодексларига киритилди. Бу ўзгаришлар ҳам шу каби ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Қонунлар қабул қилиняпти. Лекин, бу қонунлар ҳақида жойларда барча фуқароларимиз тўлиқ билмаслиги ҳам мумкин. Шу сабабли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, ҳокимликлар ва тегишли жамоат ташкилотлари жойларда халқ орасида қонунларни, уларга киритилаётган қўшимча ва ўзгартишларни тарғиб қилиш, шу жумладан оммавий ахборот воситаларида айнан шу мавзуда тадбирлар ўтказиш орқали тушунтириш ишларини доимий равишда олиб боришлари керак. Фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятининг ошиши бундай ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш имконини беради.

Ҳар томонлама интеллектуал ва жисмонан ривожланган юксак ақл заковатли, баркамол авлодни тарбиялашдек устувор вазифанинг нақадар муҳим эканлигини ҳар биримиз чуқур тушунишимиз, барча саъй-ҳаракатларимизни бундай муҳим соҳадаги қонунчилик талабларини тўлиқ ижросини таъминлашга, шунингдек, мансаб суиистеъмолчилиги, порахўрлик, фирибгарлик ва бошқа жиноий фаолиятни истисно қиладиган соғлом муҳит яратишга йўналтиришимиз зарур.

Ёш авлод тарбиясига доимо энг долзарб ва устувор вазифа сифатида эътибор қаратиб келаётган муҳтарам Президентимиз Ислом Каримовнинг: "Барчангиз яхши биласизки, келажак авлод ҳақида қайғуриш, соғлом, баркамол наслни тарбиялаб етиштиришга интилиш бизнинг миллий хусусиятимиздир. Бу муқаддас заминда яшаётган ҳар қайси инсон ўз фарзандининг бахту саодати, фазлу камолини кўриш учун бутун ҳаёти давомида курашади, меҳнат қилади, ўзини аямайди", деган фикрлари халқимизга хос юксак инсоний фазилатларнинг эътирофи бўлиши билан бирга, барчамизни шу борада янада фаол иш олиб боришга даъват этади.

Дарҳақиқат, халқимизга хос ана шу олий қадрият ҳар доим бизларни ёшлар таълим-тарбиясига ҳаёт-мамот масаласи сифатида эътибор қаратишга чорлаши шарт. Зеро, ёш авлоднинг жисмонан соғлом, ақлан етук ва маънан баркамол бўлиб вояга етиши учун барча давлат идоралари ва жамоат ташкилотлари, она юрт келажагига бефарқ бўлмаган ҳар бир соғлом фикрли фуқаро масъулдир.

Истагимиз шуки, бу эзгу ният ҳар бир юртдошимизнинг юксак инсоний ва фуқаролик бурчига айлансин.

**Рашитжон ҚОДИРОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси**
**Бош прокурори.**

*Тошкент вилояти сайлов комиссияси*
*ҚАРОРИ*

## ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ ДЕПУТАТИ ЭТИБ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА

**"Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11, 41, 42-моддаларига мувофиқ, Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссияси**

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. 2013 йил 30 июнда Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг бўшаб қолган депутатлик ўрни учун ўтказилган такрорий овоз бериш натижалари бўйича 20-Бўка округи сайлов комиссияси баённомасига мувофиқ овоз беришда иштирок этган сайловчилар овозини бошқа номзодга нисбатан кўпроқ олган қуйидаги номзод Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши депутати этиб рўйхатга олинсин:

| Т/р | Депутат этиб сайланганнинг фамилияси, исми, отасининг исми | Туғилган йили | Партияга мансублиги | Номзод кўрсатган партия | Иш жойи ва лавозими | Яшаш манзили | Сайлов округи рақами ва номи |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | **ЖАББОРОВА Барно Манафовна** | 1963 | ЎзЛиДеП аъзоси | ЎзЛиДеП вилоят кенгаши | Бўка агросаноат коллежида маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари | Бўка тумани | 20-Бўка сайлов округи |

**Вилоят сайлов комиссияси раиси У. АБДУШОҲИДОВ.**

Тошкент шаҳри, 2013 йил 1 июль.

**Янгийўл туманидаги технология ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида "Ёшларни миллатлараро тотувлик руҳида тарбиялашда миллий ва маданий марказлар ва бошқа фуқаролик жамияти институтларининг роли" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.**

## ЎЗБЕКИСТОН — УМУМИЙ УЙИМИЗ

Республика Байналминал маданият маркази, "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси, вилоят фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, "Нуроний" жамғармаси, "Камолот" ЁИҲ бўлимлари вакиллари иштирок этган тадбирда мамлакатимизда тинчлик ва хотиржамлик, миллатлараро тотувликни таъминлаш йўлида олиб борилаётган ишлар, миллати ва эътиқодидан қатъи назар, ҳар бир фуқаронинг эмин-эркин яшаши ва меҳнат қилиши учун яратилаётган имкониятлар хусусида сўз борди.

Давра суҳбати республикамизда фаолият кўрсатаётган рус, татар, корейс ва бошқа миллий маданият марказлари бадиий ҳаваскорлик жамоалари томонидан тайёрланган концерт дастурига уланиб кетди.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.**

Бурч ва масъулият

## ЁШЛАР МУТАХАССИСЛИГИ БЎЙИЧА ИШГА ЖОЙЛАШМОҚДА

**Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда касб-ҳунар коллежларида таълим сифати ва самарадорлигини ошириш, "корхона — коллеж" ҳамкорлигини мустаҳкамлаш борасида кўрилаётган изчил чора-тадбирлар коллеж битирувчиларини иш билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.**

Ҳар бир коллеж битирувчисининг иш жойини олдиндан белгилаш, ўқувчиларнинг амалиёт ўташини сифатли ташкил этиш, уларни аниқ иш жойига бириктириш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар ўз самарасини бермоқда. Буни вилоятимиз мисолида ҳам кўриш мумкин.

Жорий йил вилоятдаги касб-ҳунар коллежларини 38,2 мингдан зиёд йигит-қиз тамомлади. Уларни тўлиқ ва ўз вақтида ишга жойлаштиришга алоҳида эътибор қаратилиб, коллеж, иш берувчи ва битирувчи ўртасида уч томонлама шартномалар тузилаётир. Маълумотларга кўра, ҳозиргача битирувчиларнинг тўқсон фоиздан кўпроғи ана шундай шартнома имзолаган.

Янгийўл тиббиёт коллежида тўққиз юз нафардан зиёд ўқувчи ҳамширалик, даволаш ва стоматология йўналишлари бўйича ўқишни тамомлади. Чинозлик Ширинхон Аҳмаджонова ушбу таълим муассасасининг ҳамширалик иши йўналиши бўйича ўқиди. Уни ўзи яшаб турган ҳудуддаги "Ҳумоюн шоҳ файз" фермер хўжалигига ҳамшираликка таклиф қилишди.

— Мамлакатимизда ёшларнинг замонавий шарт-шароитларда таълим олиши, ўқиш ва ишга жойлашиши, ҳаётда ўз ўрнини топиши учун катта эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилмоқда, — дейди Ш. Аҳмаджонова. — Биз, ёшлар бунга жавобан астойдил ўқиб-изланишимиз, меҳнат қилишимиз ва шу орқали юртимиз равнақига муносиб ҳисса қўшишимиз зарур.

Қибрайлик Наргиза Маликова тумандаги молия-иқтисодиёт коллежининг ҳисобчилик йўналиши бўйича ўқишни тугатди. Уч томонлама тузилган шартномага биноан энди у "Баҳодир агро омад" фермер хўжалигида ҳисобчи вазифасида ишлайди.

— Коллежимизни бу йил 355 нафар йигит-қиз битирди, — дейди Қибрай молия-иқтисодиёт коллежи директори Мухтор Вафоев. — Молия, солиқ, ҳуқуқшунослик, информатика, банк иши ва ҳисобчилик йўналишлари бўйича ўқишни тамомлаётган ёшларимизнинг бандлигини таъминлашга жиддий эътибор қаратмоқдамиз. Ҳозиргача битирувчиларнинг асосий қисми корхона ва ташкилотларга ишга жойлашиш бўйича уч томонлама шартнома имзолади.

Мутахассислар тайёрлашда жойлардаги меҳнат бозоридаги талаб, ота-оналар ва ёшларнинг қизиқиш ва хоҳишлари ўрганилса, коллеж ўқувчиларини кейинчалик иш билан таъминлаш осон кечади. Вилоятдаги касб-ҳунар коллежларининг ихтисослашуви ўзгартирилаётганда бу ҳисобга олинмоқда.

Шу боис 2013/2014 ўқув йилида вилоят корхона ва ташкилотлари, кичик бизнес субъектларининг ривожланиши, касб-ҳунар коллежларининг педагог-кадрлар ва моддий-техник базаси таъминланганлиги даражаси, ташкил этиладиган янги иш ўринлари, мутахассисликларга бўлган эҳтиёждан келиб чиқиб, айрим касб-ҳунар коллежларининг йўналишларини ўзгартириш чоралари кўрилаётир.

Жорий йилда Ангрен педагогика коллежи — Ангрен педагогика ва хизмат кўрсатиш, Ангрен компьютер ва ахборот технологиялари коллежи — Ангрен ахборот технологиялари ва саноат, Қуйи Чирчиқ саноат ва хизмат кўрсатиш коллежи — Қуйи Чирчиқ агросаноат ва хизмат кўрсатиш коллежига айлантирилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 16 майда қабул қилинган "2013/2014 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларига қабул тўғрисида"-ги қарори ижроси доирасида 2013-2014 ўқув йилида вилоятдаги олтмиш саккизта коллежда 59 касб бўйича мутахассислар тайёрлаш бошланади. Жумладан, Бекобод шаҳар саноат коллежида машинасозлик тизимлари ва дастгоҳлик жиҳозларини монтаж қилиш, созлаш, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш механиги, Олмалиқ кончилик коллежида темир йўлларга техник хизмат кўрсатиш бўйича механик, Ангрен кимё саноати коллежида коммунал хўжалиги объектларидан фойдаланиш бўйича техник, шамоллатиш тизими ва жиҳозларини монтаж қилиш ва таъмирлаш устаси каби мутахассисликлар очилади.

Бундан кўзланган асосий мақсад малакали мутахассислар тайёрлаш самарадорлигини ошириш, коллеж битирувчиларини келажакда ўз касби бўйича иш ўринлари билан таъминлаш, шаҳар ва туманларда кадрларга бўлган эҳтиёжни тўла қондиришдан иборатдир.

**Х. САЛИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

**"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Бекобод шаҳар бўлими умумтаълим мактаблари ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида "Обод турмуш — жамият тараққиёти гарови" мавзусида иншолар танлови ўтказди.**

## ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИГА БАҒИШЛАНДИ

1-мактаб ўқувчиси Малика Жабборова биринчи, 13-мактаб ўқувчиси Фотима Тожибоева иккинчи, 3-мактаб ўқувчиси Мадина Мусамуҳаммедова учинчи ўринга муносиб деб топилди.

Ғолиблар "Камолот" ЁИҲ шаҳар кенгашининг фахрий ёрлиқлари ва ҳомийларнинг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Карим БОБОҚУЛ ўғли.**

## ТУМАН АҲЛИГА ТУҲФА

**Оққўрғон тумани бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси янги бинода иш бошлади**

Ушбу иншоот қурилишига 450 миллион сўм маблағ сарфланди. Бунёдкорлик ишлари эса "Жабо классик" МЧЖ қурилиш ташкилоти томонидан амалга оширилди.

Бино 15 та хонадан иборат бўлиб, 16,2 миллион сўмлик замонавий мебель, компьютер ва бошқа зарур жиҳозлар билан таъминланиб, бу ерга келувчилар учун қулай шарт-шароит яратилди.

— Мазкур бино мустақиллигимизнинг 22 йиллик тўйига муносиб совға бўлди, — дейди туман Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси бошлиғи ўринбосари Шавкат Мирзакаримов. — Бу ерда жамғармадан ташқари туманлараро 76-тиббий меҳнат экспертиза комиссияси ҳам жойлашган бўлиб, ногиронларга малакали хизмат кўрсатилади.





Тошкент воҳаси: афсона ва ҳақиқат

# МУЖРУҲ БУВА АБАДИЯТИ

**Инсон ҳаётини китобга қиёслаш мумкин. У ўзининг барча қилмишларини, фикр-ўйлари, ҳис-ҳаяжонлари, ташвишлари, кашфиётлари ва йўқотганларини саҳифама-саҳифа йиғади, жамлайди, жойлайди. Агар ушбу китобда муҳаббат, қувонч, умид ва ишонч туйғулари лиммо-лим саҳифалар бисёр бўлса, демак, ҳаёт китоби мукаммалликка дахлдор. Ахир, китобга сўнгги сўз битиладиган вақт албатта, келади. Китобнинг якуний жумласи қандай бўлади – Руҳнинг бепоён олам, демакки, ўзликнинг ҳам чексиз оламини англаш сари юксак парвозими ёки бўлмаса, на ёрита оладиган ва на иситадиган оддий шамнинг шунчаки хира нур таратишими...**



Ўз ортидан келаётганлар учун йўл очган, умумэзгуликка хизмат қилган, шодон яшаган ва шу шодликни одамларга, бутун наботот ва ҳайвонот дунёсига ҳам улашганлар номи она Сайёрамизнинг буюк Хотирасига сўзсиз муҳрланиб келган. Биз Тошкент воҳаси тарихига оид ҳикояларимиздан бирида Урғоз дарёсининг ҳайратомуз жойлари ҳақида маълумотлар бергандик. Урғозсой соҳиллари бўйлаб қадимий кон ва устахоналарнинг излари сақланиб қолган. Ҳозир уларни кўз билан кўришнинг иложи йўқ. Бироқ, тинглаш мумкин, агарки, очиқ қалб эгаси бўлсангиз. Ушбу афсонавий жой устида қушлар галаси айланиб учади.

Ғавсулаъзам қадамжоси (биз бу ҳақда ҳикоя қилган эдик) яқинида, шунингдек, қадимий Урғозқоратош қалъасидан тахминан икки чақирим нарида думалоқ шаклдаги баланд тепалик қад ростлаб турибди. Тепалик чўққисида ғайриодатий шаклдаги бир тош қуёшнинг оташин нурлари остида ялтираб ётибди. Бу – Мужруҳ бува ("ногиронларни тузатувчи") муқаддас қадамжоси.

Юрий Буряков раҳбарлигидаги Чотқол-Қурама археология отряди 1961 йилда Урғозсойнинг икки соҳили ҳудудини обдон ўрганди. Айрим қўрғон (тураржой)лар VI-IX асрларга тааллуқли экани бу ердан топилган ашё ва бошқа далилларга асосланган ҳолда тахмин қилинди. Урғозқоратош қалъасини ўрганиш чоғида топилган танга пуллар эса, XI аср бошларига тааллуқлидир. Мужруҳ бува муқаддас қадамжоси ўрта асрларда ҳам маълум бўлган. Аммо бугун у мутлақо унутилган.

Биз бундан уч йил аввал бу ерларни айланиб юриб, Урғоз қишлоғида маҳаллий мактабнинг кекса ўқитувчиси Имомжон Холматов ҳамда Сари Чўққи очиқ кон автокран машинисти Бўсинбой Эсонбоев билан суҳбатлашдик. Ушбу икки табаррук қариянинг узоқ болалик йилларида Мужруҳ бува ҳақида эшитган хотираларидан бироз воқиф бўлдик. Ва яна жазирама июнь кунларининг бирида камина бу жойларни кечгача кезганман.

... Бир фурсат кўз олдимда новча, озғин, кўзлари ёниқ мўйсафид пайдо бўлди. У оппоқ соқолини тутамлаб туриб деди: "Қара". Бир бургут тош тепасида гўё бир нарсани қидираётгандек, узоқ айланди, сўнг қулади. Бир муддат ўтиб, бургут тепалик устида яна пайдо бўлиб, самога кўтарилди. Бора-бора кўздан йўқолди. Бўғзимга бир савол тиқилди. Атрофимда ҳеч зоғ йўқ. Мўйсафид гўё ҳавога сингиб кетгандек, ғойиб бўлган. Ҳеч нарсани тушунмадим.

... Қабилалар ўртасида кечган қизғин жангдан сўнг ҳайбатли оқ от оқсоқланганча, Мужруҳ бувага яқинлашди. У кучдан қолаётганди. Оқ тошларга томган қуюқ қон тепасида қузғунлар айлана бошлади. Оқ от оқ тош ёнига судралиб етди ва ёнбошига қулаб, ҳаракатсиз қотди. Дақиқалар, соатлар ўтди, қуёш ётоғига бош қўйди. Юлдузли осмон гумбази остида, тўлин ой ёғдусида оқ отнинг жонсиз танаси янада оппоқ бўлиб кўринарди. Унинг очиқ қолган кўзларида бир осмон юлдузлар жилоланарди. Шу он жониворнинг йирик ва нам кўзларида икки ёруғ юлдуз ғайриодатий ярақлади. "Тирил!" – тошдан товуш чиқди. "Тирил!" – самодан садо келди.

... Тонги қуёшнинг гўзал ва ёқимли нурлари оғушида оқ от ўзининг жонажон манзили томон елиб кетди. Яқиндагина кечган аёвсиз жанглардан омон қолган каттаю-кичик, эркагу-аёл унга пешвоз чиқди. Демак, ҳаёт давом этади.

Мужруҳ бува – шунақа жой. Жониворларни тузатади, тирилтиради. Бу сирсиноатлардан хабардор ёки кимлардандир тасодифан эшитиб қолган одамлар касал бўлиб қолган жониворларини шу ерга келтиришади. Ёввойи ҳайвонлар эса гўё сирдан хабардордек ўзлари келишади. Қадим-қадим замонлардан бери шундай бўлиб келган. Масалан, ярадор йўлбарс, жароҳат азоби қийнаётган оҳу ҳам даво илинжида Мужруҳ бува сари йўл олишган. Қизиғи шуки, улар бирга, ёнма-ён келишган. Ҳа, ҳаётнинг бош қонунига, бу ёруғ дунёдаги биродарлик қонун-қоидаларига биноан. Бутун табиат дунёси Худо олдида тенг. Ҳамма яшашга ҳақли.

Агар биз касал дарахтни даволаб, унга ҳаёт бағишласак, чўлоқ қушнинг ярасига малҳам бўлиб, самога қайта учирсак, йўлимизда бизнинг кўмагимизга муҳтож жониворни учратиб, унга меҳр берсак ва ҳимоялай олсак, Ҳаёт китобимиз қандай бўлишини олдиндан биламиз. У худди она Заминимизнинг ўзидек, жуда гўзал бўлади. Бу Заминда ҳамма бирдек бахтиёр яшаши керак. Табиатнинг ўзи бизни шунга ўргатади. Жониворларни даволайдиган Мужруҳ бува шунга даъват этади. Зеро, буларнинг ҳаммаси асли қандай бўлса шундайлигича бизнинг ҳаётимиз.

**Зарифа ЭШМИРЗАЕВА,**
**халқаро "Олтин мерос" хайрия жамғармаси вилоят бўлими бошқаруви раиси.**

# ҚАШҚАДАРЁДА ВИЛОЯТДОШИМИЗ КЎРГАЗМАСИ

**Ўзбекистон Бадиий академияси аъзоси, бекободлик фоторассом Султонбой Деҳқоновнинг "Дўст билан обод уйинг" мавзуидаги фотокўргазмаси Қарши шаҳрида бўлиб ўтди.**

Обод турмуш йилига бағишланган кўргазмада ижодкорнинг портрет, пейзаж, репортаж жанрларига оид 52 та фотоасари намойиш этилди. Уларда обод юртимизнинг гўзал манзаралари, тарихий обидалари, миллатлараро дўстлик ришталарининг оний лаҳзалари акс этганлиги томошабинларда яхши таассуротлар уйғотди. Айниқса, "Хотира", "Дийдор", "Юртим фахри" каби асарлардаги ҳаёт ҳақиқатининг бадиий ифодаси йиғилганлар эътиборига сазовор бўлди.

Қаршида бошланган бадиий кўргазма Шаҳрисабзда давом этди. Маданият саройида ўтказилган кўргазмага чет эллик сайёҳлар ҳам ташриф буюриб, ҳамюртимиз фотоасарларидан баҳраманд бўлдилар.

**Каримқул МАВЛОНОВ.**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

## ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲУДУДИЙ ТАНЛОВ КОМИССИЯСИ ИШЛАМАЁТГАН, БЎШ ТУРГАН ВА ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН ДАВЛАТ МУЛКИ ОБЪЕКТЛАРИНИ ИНВЕСТИЦИЯ МАЖБУРИЯТЛАРИ ЭВАЗИГА БЕПУЛ БЕРИЛИШИ БЎЙИЧА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

| № | Объект номи | Объектнинг жойлашган жойи | Балансда сақловчи | Танлов шартлари: Фаолият тури | Киритиладиган инвестициянинг энг кам миқдори (млн. сўм) | Инвестициянинг киритиш муддати | Яратиладиган янги иш ўринлари |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 31 майдаги 154-сон қарорининг 3-иловасига асосан** | | | | | | |
| 1 | Собиқ 6-сон умумтаълим мактаби бино ва иншоотлари | Оҳангарон тумани, Қўрғон МФЙ, Янгиер кўчаси, 22-уй | Ҳокимият | - | 350 | 2 йил | 20 |
| 2 | Қурилиши тугалланмаган 2-қаватли болалар боғчаси бино ва иншоотлари | Бекобод шаҳри, 14-даҳа | Ҳокимият | - | 450 | 2 йил | 35 |
| 3 | Собиқ 29-сон умумтаълим мактаби биноси ва иншоотлари | Бекобод тумани, Маданият ҚФЙ | Ҳокимият | - | 250 | 2 йил | 25 |
| | **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 31 майдаги 154-сон қарорининг 4-иловасига асосан** | | | | | | |
| 4 | Ётоқхона бино ва иншоотлари* | Бўстонлиқ тумани, Чинор маҳалласи | Ҳокимият | Тураржой | 500 | 2 йил | Тураржой |
| 5 | Олмалиқ шаҳар ободонлаштириш бошқармаси ётоқхонаси бино ва иншоотлари* | Олмалиқ шаҳри, Китве кўчаси, 9-Б уй | Ҳокимият | Тураржой | 300 | 2 йил | Тураржой |
| 6 | Олмалиқ шаҳар Санитария бошқармаси ётоқхонасининг бино ва иншоотлари* | Олмалиқ шаҳри, Китве кўчаси, 11-уй | Ҳокимият | Тураржой | 300 | 2 йил | Тураржой |
| 7 | Собиқ ётоқхона биноси* | Олмалиқ шаҳри, Чамбил ҚФЙ | Ҳокимият | Тураржой | 400 | 2 йил | Тураржой |
| 8 | 90 кишига мўлжалланган қурилиши тугалланмаган болалар боғчаси* | Оққўрғон тумани, Айтамқала ҚФЙ, А. Навоий кўчаси | Ҳокимият | Тураржой | 200 | 2 йил | Тураржой |
| 9 | 140-ўринга мўлжалланган қурилиши тугалланмаган болалар боғчаси* | Оққўрғон тумани, Элтамқала ҚФЙ, (Конка ширкат хўжалиги) | Ҳокимият | Тураржой | 200 | 2 йил | Тураржой |
| 10 | Ётоқхона бино ва иншоотлари* | Оҳангарон тумани, 2-кичик даҳа | Ҳокимият | Тураржой | 400 | 2 йил | Тураржой |
| 11 | Ётоқхона бино ва иншоотлари* | Чирчиқ шаҳри, Ф. Хўжаев кўчаси | Ҳокимият | Тураржой | 1 000 | 2 йил | Тураржой |
| 12 | Собиқ 24-сон болалар боғчаси бино ва иншоотлари* | Чирчиқ шаҳри, 10-кичик даҳа | Ҳокимият | Тураржой | 250 | 1,5 йил | Тураржой |
| 13 | Собиқ 25-сон болалар боғчаси бино ва иншоотлари* | Чирчиқ шаҳри, 8-кичик даҳа | Ҳокимият | Тураржой | 400 | 2 йил | Тураржой |
| 14 | Собиқ 38-сон болалар боғчаси бино ва иншоотлари* | Чирчиқ шаҳри, Трансформаторчилар кўчаси | Ҳокимият | Тураржой | 400 | 2 йил | Тураржой |
| 15 | Собиқ 16-сон болалар боғчаси бино ва иншоотлари* | Чирчиқ шаҳри, 9-кичик даҳаси | Ҳокимият | Тураржой | 300 | 2 йил | Тураржой |
| 16 | Собиқ 14-сон болалар боғчаси бино ва иншоотлари* | Чирчиқ шаҳри, 3-кичик даҳа | Ҳокимият | Тураржой | 400 | 2 йил | Тураржой |
| 17 | "Гишт инвест" МЧЖнинг ётоқхона биноси* | Янгийўл шаҳри, Самарқанд кўчаси | Ҳокимият | Тураржой | 150 | 1 йил | Тураржой |
| 18 | 4-қаватли бино* | Қибрай тумани, Янгиобод ҚФЙ | Ҳокимият | Тураржой | 600 | 2 йил | Тураржой |
| 19 | 4-сон мактабга қарашли УИЧК бино ва иншоотлари* | Қуйи-Чирчиқ тумани, Ужакент ф/у | Ҳокимият | Тураржой | 200 | 1 йил | Тураржой |
| 20 | 13-сон мактабга қарашли болалар боғчаси бино ва иншоотлари* | Қуйи-Чирчиқ тумани, Қўрғонча маҳалласи | Ҳокимият | Тураржой | 300 | 1,5 йил | Тураржой |
| | **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 8 июлдаги 141-сонли қарорига асосан** | | | | | | |
| 21 | Фойдаланишда бўлмаган болалар боғчаси биноси | Ангрен шаҳри, 5/5-даҳа ҳудудида | Ангрен ХТБ | Ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш | 500 | 2 йил | 50 |
| 22 | Фойдаланишда бўлмаган собиқ 6-сонли мактаб биноси | Чиноз тумани, Янги Чиноз шаҳарчаси фуқаролар | Ҳокимият | Ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш | 1 000 | 2 йил | 50 |
| 23 | Қурилиши тугалланмаган шифохона биноси | Бўка тумани | Ҳокимият | Ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш | 1 000 | 2 йил | 30 |

* Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 31 майдаги 154-сон қарорининг 4-иловасига киритилган давлат объектлари тадбиркорлик субъектлари томонидан мукаммал таъмирланиб, уй-жой сифатида сотилади, бунда бунёд этилган уй-жой фондининг 20 фоизи аҳолининг ижтимоий ҳимояга мухтож қатламларига, хусусан, вояга етмаган етим болаларни ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг фарзандларини уй-жой билан таъминлаш мақсадида маҳаллий туман (шаҳар) ҳокимликлари тасарруфига ўтказилади.

**Танлов ўтказиш куни – 2013 йил 2 сентябрь куни.**

**Белгиланган танлов кунида объектлар сотилмаган тақдирда танлов ҳар ойнинг биринчи ва учинчи душанба кунлари бўлиб ўтади.**

**Танлов ўтказиш жойи – Тошкент вилояти ҳокимияти биносида.**

**Манзил – Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 17-уй.**

Танловда тегишли ҳужжатларни тақдим этган ҳамда танлов савдоси объекти бўйича белгиланган инвестиция мажбуриятини бажариш учун актив ва пул маблағларига эга бўлган барча жисмоний ва юридик шахслар, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари қатнашишлари мумкин.

Танловда қатнашиш учун талабгор ёки унинг вакили танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган танлов ўтказилиши кунидан камида уч кун олдин ҳудудий танлов комиссияси кўриб чиқиши учун қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасига танловда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

юридик шахслар учун – Низом, давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома, охирги ҳисобот даври (чорак, йил)даги бухгалтерия баланси ҳамда аудитор хулосаси (агар аудиторлик текшируви ўтказилган бўлса) нусхалари, хизмат кўрсатувчи банкдан маълумотнома, шунингдек тўлиқ ваколатли вакилнинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

жисмоний шахслар учун – паспортнинг нусхаси, тўлиқ ваколатли вакил танловда қатнашган тақдирда, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

танлов ҳужжатларига мувофиқ тузилган ва қуйидагиларни ўз ичига оладиган икки нусхадаги муҳрланган конвертларга солинган танлов таклифлари:

инвестиция мажбуриятларининг таклиф этилаётган миқдори, уларни тўлаш шакли, муддати ва шартлари;

бизнес-режа, бажариш муддатлари кўрсатилган ҳолда инвестиция дастури (лойиҳа), асбоб-ускуналар етказиб бериш (агар у назарда тутилган бўлса), унинг технологик параметрлари;

ишлаб чиқариш режалаштирилаётган маҳсулотнинг ассортименти ва унинг рақобатбардошлилиги;

хом ашё, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, мавжуд асбоб-ускуналар ва ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланиш тадбирлари, кутилаётган иқтисодий самара;

сотиш объектини молиявий-хўжалик жиҳатдан соғломлаштириш ёки унинг ҳудудидан хўжалик мақсадларида фойдаланишни тиклаш бўйича инвесторнинг бошқа мажбуриятлари ва режалари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танловда иштирок этишни истаган шахслар ҳудудий танлов комиссиясига – Тошкент вилояти ҳокимлиги ёки Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасига мурожаат қилишлари мумкин.

Танловда ғолиб деб топилган талабгор 10 кун муддат ичида танлов объектини мустақил баҳоловчи ташкилоти томонидан баҳолатади ва бунда баҳолашга кетадиган сарф харажатлар танлов ғолиби томонидан қопланади.

**Манзил** – 100077, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳкўчаси, 107-уй.

**Телефонлар:** (8-371) 268-23-21, 268-29-77, **факс:** 268-29-44.

**Ҳурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар!** Танлов савдоларида қатнашиш учун ҳужжатларни топшириш ва савдоларни ўтказиш жараёнида қонунбузарликлар ва ўз ҳуқуқларингиз поймол қилиниш ҳолатлари ёки ошкоралик таъминланмаганлиги ҳолатлари рўй берган тақдирда Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг (8-371) 259-21-37 ишонч телефон рақамига ва hususiylashtirish@mail.ru электрон почта манзилига хабар қилишингиз ёки Тошкент вилояти ҳокимлигининг (8-371) 236-27-70 телефон рақамларига қўнғироқ қилишингизни сўраймиз.

## "SPARETRA" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан 15.08.2011 й. № 25578-85/22/25-сонли ижро ҳужжатига асосан 1999 й. и.ч. "Волво" д.р. 17 V 6746. Бошланғич баҳоси – 35 904 292.8 сўм. 2. Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан 15.08.2011 й. № 25578-85/22/25-сонли ижро ҳужжатига асосан 1995 й. и.ч. "SK-24" д.р. 19 А 351. Бошланғич баҳоси – 28 365 502.8 сўм. 3. Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан 15.08.2011 й. № 25578-85/22/25-сонли ижро ҳужжатига асосан 1999 й. и.ч. "Man" д.р. 16 М 6959. Бошланғич баҳоси – 48 960 399.3 сўм. 4. Бектемир тумани СИБ томонидан 31.01.2013 й. № 1-782-сонли ижро ҳужжатига асосан 2011 й. и.ч. "Нексия" д.р. 01 J 559 JA. Бошланғич баҳоси – 27 000 000 сўм. 5. Бектемир тумани СИБ томонидан 22.11.2012 й. № 1-782-сонли ижро ҳужжатига асосан 2010 й. и.ч. "Эпика" д.р. 01 О 292 НА. Бошланғич баҳоси – 49 498 444.80 сўм. 6. Миробод тумани СИБ томонидан 10.05.2012 й. № 15697/21-сонли ижро ҳужжатига асосан 1975 й. и.ч. "Ваз-2103" д.р. 30 U 0113. Бошланғич баҳоси – 1 518 794 сўм. "Space Arsenal Service" МЧЖда сақланмоқда. Аукцион савдоси 2013 йил 18 июль куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар автотранспорт воситасининг бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир автотранспорт воситаси учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "SPARETRA" МЧЖнинг "Ипотека банк" АТИБ Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004887305001, МФО 00425, СТИР 301829604. Аукцион ғолиби сотиб олган автотранспорт воситаси қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳа, 3-уй, 1-хонадон. Телефон: (8371) 212-89-55.

## "KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

Савдога Янгийўл туман СИБ томонидан, ЖИБ Янгийўл тумани судининг 2012 йил 15 майдаги 1-275-12-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Фарҳод МФЙ Беруний кўчаси, 32-уйда жойлашган, умумий ер майдони 250 кв.м., фойдали майдони 102,17 кв.м.дан иборат бўлган нотураржой биноси такроран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 37 107 000 сўм.

Савдо 2013 йил 22 июль куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2013 йил 19 июль куни соат 18:00.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Ko'chmas Mulk Savdo Xizmati" МЧЖнинг "Ипак йўли банки" ОАИТБ Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО 01036, СТИР 207122519. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-80-26. www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001.

**Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 44-А уй, 8 қаватли бинонинг иситиш тизимини қайтадан таъмирлашга тендер эълон қилинади. Мурожаат учун тел.: 276-99-02, 276-99-01, 310-43-69.**




Иностранное предприятие в форме ООО "ART FURNITURE" (ИНН 300813775) объявляет о переименование в совместное предприятие в форме ООО "ART FURNITURE". СП ООО "ART FURNITURE" является правопреемником по всем правам и обязанностям ИП ООО "ART FURNITURE".

Претензии принимаются в течении двух месяцев со дня публикации объявления по адресу: г. Ташкент, Сергелийский район, ул. Янги Куйлюк, д. 46-Б.

ЧФ "SULTON UVAYS" (ИНН 202691242), зарегистрированное ИРСП Сергелийского района за реестровым № 001490-06 расположенное по адресу ул. Сугдиёна-1, почтовый адрес фирмы: Сергели-8-5-6 преобразуется в ООО "SULTON UVAYS".

Претензии принимаются по телефону: 947-59-83.

Утерянную гувохному (патент) № 06-05612 за реестровым № 0606630, выданный 23.01.2012г. отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Сергелийского района г. Ташкента на имя Джураевой Жамилы Батирхоновны, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСВИТЕЛЬНЫМ.**

Аввал Яккасарой туман ТСРЎИ томонидан 2011 йил 18 июлдаги 006130-11 реестр рақами билан рўйхатга олинган "HUNAR-FABI" ўқув ишлаб чиқариш корхонаси масъулияти чекланган жамиятининг мулкчилик шакли "HUNAR-FABI" нодавлат таълим муассасасига ўзгартирилишини маълум қилади.

Оққўрғон тумани ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан 18.02.2010 йилда 31/1335 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган "SARDOR SANJAR FAYZ" (ИНН 301507878) хусусий фирмаси ихтиёрий равишда **ТУГАТИЛАДИ** (асос: 20.06.2013 йилдаги ХФ қарори).

Даъволар 1 ой давомида Оққўрғон тумани, Олимкент қўрғони, Мустақиллик кўчаси, 200-уй манзили бўйича қабул қилинади. Тел.: 976-28-00.

ООО "UMID-TEX-SERVIS OPTIMA" (ИНН 206500357), зарегистрированное ИРСП хокимията Чиланзарского района г. Ташкента (реестр № 001932-08 от 1.05.2006г.), расположенное по адресу: массив Домбиробод, ул. 3-й пр., дом-36, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (протокол № 5 от 02.07.2013г.).

Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня публикации объявления.

Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани ҳокимияти ТСРЎИ томонидан 2013 йил 19 февралдаги 003526-11 реестр рақами билан рўйхатга олинган мулкчилик шакли "ASIA EDUCATION PLYUS" МЧЖдан "ASIA EDUCATION PLYUS" нодавлат таълим муассасасига ўзгаришини маълум қилади.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида 638-04-98 телефон рақами орқали қабул қилинади.

## Одамийлик шеваси

# ЎЗГА ДУНЁ

– Зоҳиджон, турақол ўғлим, кун ёйилиб кетди. Даданг қачон эди қўйларни далага ўтлатгани олиб кетгани.



Зоҳиджон эринибгина кўзини очди. Бироқ яқинда она қўйининг эгизак туққани ёдига тушиб, қўзичоқларини кўриш учун шоша-пиша кийимларини кийди. Муздек сувда юз-қўлларини ювиб, онасининг ҳай-ҳайлашига ҳам қарамай: "Нонуштани дадам билан бирга қиламан" дея тугунчани олганча, далага кетди.

Ёлғизоёқ йўлдан тез-тез одимлар экан, деҳқонларнинг ариқларга "беш панжа" қилиб тараб қўйган суви офтоб нурида ўзгача жилоланишидан роҳат олди. Ана, узоқда ўтлаб юрган қўй-қўзилари... Бир жуфт қўзичоқ онасидан нари кетмай, ирғишлагани-ирғишлаган.

Зоҳиджон дадаси билан саломлашгач, юлиб қўйилган ўтларни қопларга солиб, эгат бошига олиб чиқди. Онаси нонуштага пиширган иссиққина қатламанинг иси иштаҳасини қитиқлади. Ота-бола мазза қилиб нонушта қилишди.

* * *



Наргиза ота-онасининг уруш-жанжалидан чўчиб уйғонди. Отаси қўлига тушган нарсани ойнадан ҳовлига улоқтирар, онаси тинмай жавраб: "Сенароқхўрга теккан кунимга лаънатлар бўлсин" дея қарғанарди.

Наргиза ота-онасининг кўзига кўринишга қўрқиб, уларга билдирмай, кўчага отилди. Қўшни дугоналари билан ўйнаб, вақт ўтказмоқчи бўлди. Аксига олиб Зебо кеча холасиникида ётиб қолган экан.

Мафтуна ҳовли супуряпти. Ҳа, майли у Мафтунага ёрдамлашиб юборади.

Икки дугона уй-жойларни йиғиштиришди. Ҳовли-кўчаларга сув сепиб, супуришди. Бир зумда ҳаммаёқ ораста бўлди. Мафтунанинг онаси бирам ширинсўз аёлки, қизларни обдон мақтади. Ҳозиргина пиширган сомсалари билан меҳмон қилди.

Мафтуна ишларини тугатиб, дарс тайёрлашга тутинди. Наргизанинг китоб-дафтарлари эса уйида. Кеча паппкасини қандай қўйган бўлса, шундайлигича турибди.

Наргиза хушламайгина уйига йўл олди. Аммо уйда дарс тайёрлаш амримаҳол. Дарвоза олдига келиб, базўр ичкарига мўралади. Онасининг: "Ҳа, жувонмарг, қаерларда сандираклаб юрибсан? Отдан-от, итдан-ит деганлари шу-да" деган ҳақоратли сўзларидан бир сакраб тушган қизалоқнинг кўзларига ёш келди ва ўз-ўзига: "Нега бизда бундай, Мафтуналарникида эса бошқача", деб йиғлаб юборди.

**Аллома АЗИЗОВА.**

# ЯХШИЛИК ҚИЛИШГА ШОШИЛАЙЛИК

Юртимиз тинч, осуда. Ҳаётимиз барқарор, тўкин. Орзу ҳавасларимизга эришишимиз учун ҳамма имкониятлар бор. Лекин...

Мустақиллик шарофати билан дунё кўраётганимизми ёки ҳаётимизга оммавий маданият нуқси ураётганими ё европача яшашга тақлидми, хуллас, ортиқча ҳою ҳавасга, енгил-елпи яшашга интилаётган айрим иродаси суст кимсалар ҳам учраб турибди. Бундайлар чет элда мўмай даромадли иш топиб беришга шай "фалончи опа"лар учун тайёр ўлжа. Шу тариқа ёш аёллар, ҳатто, ҳали турмуш кўрмаган қизлар енгилтаклик қурбонига айланадилар. Бундай воқеа ва ҳодисаларни ўқиб, кўриб, эшитиб, гувоҳи бўляпмиз.

Адашган бир кун келиб хатосини тушунар, кеч бўлсада, ўз йўлини топар. Аммо, инсон зийнати, кўрки ва фазилати – меҳрни, оқибатни йўқотсак, уни топиб бўлармикин? Тошга айланган ёки айланаётган кўнгилни, меҳрсиз қотиб қолган кўзларни, аслига қайтариб бўлармикин?..

– Ўн йиллик қадрдонлигимизни ўйлаб, қарз сўраб чиқдим. Ахир шундай кунда коримга ярамасанг...

Дўст яхши ният билан ўғлини уйлантираман дея йиғиб қўйган пича жамғармасини ноилож унга тутқазди:

– Биласан, кузда ўғлимни уйлантираман деб йиққанман. Ўшангача қайтарарсан...

– Албатта, мени биласанку.

"Дўст" бизнес қилиш мақсадида хорижга отланди. Қиш келди ҳамки, у хориждан қайтмади, хат ҳам, хабар ҳам бўлмади. Ўша йили тўй ҳам бўлмади. Кейин эшитса, "дўст" бир неча кишидан пул олиб, оиласини ҳам ташлаб, хорижга жуфтакни ростлаган экан.

Ёшлигимизда раҳматли бувим доим онамга уқтирардилар:

– Зинҳор қарз олма, рўзғорнинг баракаси кетади. Уйингда урвоқ қолмаса ҳам, қарз сўрама. Йўқдан йўндириб, корини топ, биринг-икки бўлсин. Қаловини топсанг қор ҳам ёнади.

Бувимнинг ўгитларига амал қилган онам рўзғорда тежамкор, пазанда, сабр-қаноатли эдики, доим дас-



турхонимиз тўкин, иссиғимиз тайин эди. Айниқса, тансиқ овқатлар қилганимизда, нуроний момо, бемор қўшнию қишлоқдошларни йўқлаш бувимнинг энг ёқтирган амалларидан эди.

Аммо онам қарз ёки эҳтиёжга керак бирор нарса сўраб чиққан кишини ҳеч қачон қуруқ қайтармасди. Чунки қарз сўраган кишининг хижолатдан бир юзи қора бўлса, пули бўла туриб бермаган кишининг икки юзи қора бўларкан.

Ўшанда ҳали қишлоқда яшардим. Бир куни янги қўшним ҳашар қилаётганини айтиб, кетмон ва белкурак сўраб чиқди. Ўғлим билан ер ағдараётгандик. "Майли биз кейинроқ ағдарамиз, аввал қўшнининг иши битсин, ҳашарга одам чақирипти" дея яқиндагина сотиб олган яп-янги кетмон ва белкуракни чиқариб бердик. Орадан анча вақт ўтса ҳамки, уларни қайтаришмади. Ерни ағдариш керак. Ахийри сўраб чиқдик:

– Эрим даштга олиб кетган, олиб келса, чиқариб берарман, темир-ку, еб кетармидик...

Сўраганимдан хижолат тортиб, уйга қайтдим. Аммо кетмон ва белкурак қайтмади. Бошқасини сотиб олдик. Шундан сўнг ўша қўшни билан олди-бердини йиғиштириб қўя қолдим.

Яқинда бир танишим, дугонасининг таклифи билан хорижга саёҳатга отланди.

– Юр биз билан, пулинг борку. Пул бўлса, чангалда шўрва. Майда-чуйда олиб келиб сотасан, йўл пулинг чиқади. Дунё кўрганинг қолади, – деди у.

– Рўзғорни, болаларни ташлаб қаерга кетаман. Менинг дунёим шулар. Бунинг устига, эримнинг иссиқ-совуғи бор. Ўзинг эҳтиёт бўл. Ҳозир товламачилар кўп...

Танишимнинг энсаси қотди: "Ўзинг боролмайсану, айнитганингга ўлайми? Қани, мен бориб келай, бир ҳавасинг келсин".

Бир ойлар ўтиб, уни кўчада кўриб қолдим.

– Ўшанда тўғри айтган экансан. Хорижда бор пулимдан ажралиб, уйга ҳеч вақосиз, қайтиб келдим. Ҳолва деган билан оғиз чучимас экан...

Афсуски, бундай кимсалар орамизда учраб турибди. Аммо буни кўриб-кўрмасликка, сезиб-сезмасликка олиш, уларни йўлдан қайтариш ўрнига, четдан кузатиб, индамай ўтиб кетиш унданда ёмон эмасми?

Наҳотки, баъзилар ўз яқинига, дўстига, ёру биродарининг пулига кўз олайтирса. Меҳнатдан қочиб, осон ва енгил пул топиш йўлига кирса. Ахир, шундай дориламон, фаровон замонда яшаётган бўлсак, устимиз бут, дастурхонимиз тўкин, юртимиз тинч ва осойишта бўлса. Бундай ҳаётни, имкониятларни яна қаердан топиш мумкин?

Шундай экан, гуллаб-яшнаётган жамиятимизга, осойишта юртимизу фаровон ҳаётимизга ҳуснбузардек раҳна солаётганларни нотўғри йўлдан қайтариб, кўнгилларига меҳр солиш, яхшиликка чорлаш, агар буларнинг иложи бўлмаса, улар ҳақида керакли жойга хабар қилишни ҳар биримиз бурч ва вазифамиз деб билсак, ҳаётимиз янада гўзал ва мазмунли кечиши шубҳасиз.

Сўзимни мухтасар қилиб шундай дегим келади:

– Одамлар, бир-биримизни асрайлик! Самимийлик ва одамийликни касб қилиб, уни меҳр-оқибат ила қайтаришга, фақат яхшилик қилишга шошилайлик!

**Марям АҲМЕДОВА.**




## ДАРВОЗА ОЛДИДАГИ ТЎРТ ҚУРБОН

**НАТОнинг Қобулдаги базаси дарвозалари олдида рўй берган портлаш оқибатида тўрт киши ҳалок бўлди ва саккизта одам яраланди.**



Полиция берган маълумотларга кўра, портлатгич тўла автомобиль лагерга кираверишда турган. Дастлабки ахборотларга мувофиқ, икки соқчи ва икки фуқаро ҳалок бўлган. Машиналарда база ҳудудига киришга ҳаракат қилган икки жиноятчи ҳам бўлгани хабар қилинмоқда. Уларни соқчилар отиб ўлдирган. Ҳужум Афғонистондаги НАТО кучларига хизмат қилувчи транспорт компаниясига қарши уюштирилган. Ҳодиса тафсилотлари аниқланмоқда.

## ЖАНОЗА ПАЙТИДАГИ ХУНРЕЗЛИК

**Ироқдаги масжидлардан бирида ўтаётган жаноза чоғида уюштирилган портлаш туфайли камида 22 киши қурбон бўлган.**

Харобалар остида қолиб кетганлар орасида яна қурбонлар бўлиши мумкин дейилаяпти. Жароҳатланганлар ҳақида ҳозирча маълумотлар йўқ. Мазкур мудҳиш воқеа Бағдоддан 80 километр масофада жойлашган Муқтадия шаҳрида, яқинда юз берган террорчилик пайтида ҳалок бўлган полиция ходими жанозаси ўқилаётганда содир бўлди. Яна бир террорчилик хуружи 1 июль куни Баақуб шаҳрида юз берди. Бу ердаги қаҳвахонанинг портлаши натижасида 10 га яқин одам ҳалок бўлди. Расмий маълумотларга кўра, фақатгина июнь ойида Ироқдаги террор-



чилик хуружлари натижасида 500 га яқин одам ўлган. 1 июлда эълон қилинган БМТ ҳисоб-китобларига кўра, 2013 йилнинг апрель-июнь ойларида мамлакатда террорчилик туфайли 2,5 мингга яқин одам ҳалок бўлган. Сўнгги пайтларда Ироқда мазҳаблараро диний муросасизлик туфайли террорчилик хуружлари кучайиб бормоқда.

## ИЛК ҲИНД ЙЎЛДОШИ ФАЗОДА

**Ҳиндистоннинг Андхра-Прадеш штати жанубий соҳили яқинидаги Шрихарикота оролида жойлашган ягона космодромидан IRNSS-1 A туркумидаги етти ҳинд навигация йўлдошларидан биринчиси фазога учирилди.**

Тахминан 20 минутдан кейин PSLV-C22 элтувчи ракетаси йўлдошни экваториал орбитага олиб чиқди. Аппаратнинг оғирлиги 1,425 тонна. Шу туркумдаги иккинчи йўлдошни уч ойдан кейин, қолганларини эса 2014-2015 йиллар мобайнида учириш мўлжалланмоқда. "IRNSS ҳинд субконтиненти ва унга чегарадош тахминан 1,5 минг километр ҳудудни кузатиб туради", деди Ҳиндистон космик тадқиқотлар ташкилоти директори Деви Просад Карник.

## ҲУКУМАТГА ҚАРШИ НОРОЗИЛИК КУЧАЙМОҚДА

**Софияда Болгария ҳукуматига қарши уюштирилган митинг-юришда 5,5 мингга яқин одам тўпланди. Мамлакат пойтахтининг кўплаб марказий кўчаларида автотранспорт ҳаракати тўхтатиб қўйилди.**



Намойишчилар ўз юришларини вазирлар кенгаши биноси ва президент маъмурияти жойлашган Мустақиллик майдонидан бошлашди. Шундан сўнг Халқ йиғини (парламент) олдидан ўтиб, Софиянинг асосий чорраҳаларидан бири Орлов кўпригини тўсиб қўйишди. Намойишчиларнинг бундан кейинги ҳаракат йўналиши парламентдаги партиялар штаблари жойлашган марказий кўчалар бўйлаб ўтиши мўлжалланмоқда. Тўпланган омма фақат тез ёрдам машиналаринигина ўтказиб юборяпти.

Норозилик тадбири иштирокчилари амалдаги вазирлар маҳкамаси ва республика парламентидаги мавжуд барча партияларга қарши чиқишмоқда. Парламент олдида фуқароларнинг бир гуруҳи "Атака" миллатчи партияси раиси Волен Сидеровни депутат дахлсизлиги ҳуқуқидан маҳрум қилиш ташаббусини маъқуллаш юзасидан имзо тўплаяпти.

Ҳукуматга қарши норозилик митинглари Софиядан ташқари, Пловдив, Варна ва Сливенада ҳам бўлиб ўтмоқда. Ҳуқуқ ва эркинликлар партиясидан Делян Пеевскининг 14 июнь куни давлат миллий хавфсизлик хизматига раҳбар этиб тайинланиши ана шу норозиликларга сабаб бўлди. Парламент депутатлари 19 июнь куни мазкур қарорни бекор қилиш ҳақида овоз бердилар. Шунга қарамай, икки ҳафтадан бери норозилик ҳаракатлари давом этмоқда.

## ТЕМИР ТАНЛИ ФУТБОЛЧИЛАР БЕЛЛАШУВИ

Нидерландиянинг Эйндховен шаҳрида RoboCup 2013 – футбол бўйича роботлар жаҳон чемпионати ўтказилди. 24 июндан 1 июлгача бўлиб ўтган мазкур беллашувда қирқ мамлакатдан ташриф буюрган мингдан ортиқ робот ва 2,5 минг одам иштирок этди. Футбол ўйинлари иштирокчилар шакли, ҳажмига қараб, бир неча лигаларда ўтказилди. Бўйи 30 дан 60 сантиметргача, 100 дан 120 сантиметргача ва 130 сантиметрдан юқори инсонсифат роботлар уч гуруҳда тўп сурдилар. Кичик роботлар гольф коптогини, катталари эса андозадаги футбол тўпини тепишди. Инсонсифат роботлар лигасида немис ва япон жамоалари, ўртача роботлар тоифасида эса хитойликлар ғалаба қозонишди. RoboCup ташкилотчилари 2050 йилга бориб профессионал футболчиларнинг жаҳон чемпионати ғолибларига қарши тўп сурувчи роботлар яратишни мақсад қилганлар. Қатнашчилардан бирининг айтишича, ҳозирги роботларни футболда уч ёшли гўдак ҳам мағлуб эта олади.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

Газетанинг навбатдаги сони 10 июль куни чиқади

Тошкент вилояти ҳокимлиги жамоаси Юқори Чирчиқ тумани ҳокими Ўсканбой Атемовга волидаи муҳтарамаси **ОЙНИСА ая**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

### ЭЪЛОНЛАР

Шайхонтоҳур тумани ТСРЎИ томонидан 005337-09 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган "NOSIR SPORT" (ИНН 302058717) МЧЖ "SPORT-SAVDO" (ИНН 203737206) МЧЖнинг таркибига қўшилишини маълум қилади. "SPORT-SAVDO" МЧЖ "NOSIR SPORT" МЧЖнинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

Сергели тумани хокимлиги томонидан 2011 йил 20 июнда 0606230 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган Карабаева Эркина Рустамовна номига берилган якка тадбиркорни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги № 06-05212 гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Юнусобод тумани хокимияти ТСРЎИ томонидан 2009 йил 18 августда 004959-10 реестр рақами билан рўйхатга олинган "TRANSPORT-FOOD" (ИНН 301293173) МЧЖ **ТУГАТИЛАДИ**.

Даъво ва аризалар 2 ой давомида 540-88-55, 177-81-99 телефон рақамлари орқали қабул қилинади.

ООО "EUROBASIS" сообщает об уменьшении уставного фонда на 377 471 000 сум.

Претензии принимаются по тел.: 177-80-78.

ООО "PET-PLAST", зарегистрированное ИРСП при хокимияте Зангиатинского района Ташкентской области 11.07.2008 года за № 2317, расположенное по адресу: Ташкентская область, Загиатинский район, Эшонгузар к.ф.й., ул. Кольцевая, 4, объявляет об уменьшении уставного фонда с 2 750 000 000 сум на 2 730 000 000 сум.

Претензии принимаются в течении двух месяцев со дня публикации объявления по тел.: 148-08-33, 148-08-44.

"MA'SUDA-SAVDO" масъулияти чекланган жамияти "EXCELLENT PRODUCT" масъулияти чекланган жамиятига бирлашишини маълум қилади. "EXCELLENT PRODUCT" МЧЖ "MA'SUDA-SAVDO" МЧЖнинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

"TERMOPLENKA KAPS" МЧЖнинг устав жамғармаси 446 000 000 сўмдан 46 000 000 сўмга камайишини маълум қилади.

"SAYFULLA-SAIDAZIMXO'JA" хусусий корхонасига тегишли бўлган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ООО "BF AUTO GROUP" (ИНН 301272516, ОКПО 22885298), зарегистрированное в Юнусабадском районе г. Ташкента, в соответствии с протоколом общего собрания учредителей за № 2 от 02.07.2013г., уменьшает уставной фонд с 217 000 000 сум до 105 000 000 сум.

Претензии принимаются по адресу: г. Ташкент, Юнусабадский р-н, 13-кв-л., д. 2, кв. 70.

## Ҳажвия



# «ЭҲТИЁТКОРЛИК»

Машина минмаганнинг мингани қурсин экан. Илгари эшак миниб кўрмаган Саъдибек ошнамиз иши юришиб, ўтган йили кузда "Нексия" сотиб олди. Олгандаям қирмизи рангли, супер салонидан олди. Ўзини "сан" десаям, машинасини "сиз"лаб, уни иложи борича минмайдиган, мингандаям ўйдим-чуқур йўллардан юрмайдиган, машина гардини бир кунда ўн марта ювиб-артишдан эринмайдиган бўлди. Ошнамизнинг машинадан завқи тошиб юрган кунларида хотини Кимёхоннинг тоғаси эллик ёшли юбилейини нишонлайдиган бўлди.

– Юбилейга машинада борамиз! – деб хотини Кимёхон оёқ тираб туриб олди. Саъдибек: "Уринтирмай-суринтирмай, кўча мошинасида обориб-келаман", десаям кўнмади.

– Яхши кунга яйраб минмайдиган машинани нимага олгансиз?! – деди Кимёхон энсаси қотиб. – Тавба қилдим, одам деганиям шунчалик қаттиқ бўладими?!

– Қаттиқлик эмас бу, эҳтиёткорлик, – деди Саъдибек бўғилгудек бўлиб.

– Ресторандаги зиёфатга машинада, обрў билан бориб, еб-ичиб қайтишга эҳтиёткорликнинг нима даҳли бор? Ё рулда борсам, ичолмайман, деяпсизми?

– Машина олгандан кейин ичишни ташлаб юборганимни биласану, – ранжиди Саъдибек. – Машинада боргандан кейин индамай кетолмайсан, битта-яримтани уйига ташлаб қўйишга тўғри келади, буёғи ортиқча бензин, машина уринади!

– Жа-а, шунчалик бўса, машинани ресторанга етмасдан бирорта стоянкага қўярсиз, – деди Кимёхон билимдонлик қилиб. – Зиёфатни ўтказиб, яна чиқиб, стоянкадан машинага ўтириб, қайтамиз, тамом. Тунда Чилонзордан Қўйлиққа келишнинг ўзи бўмас, таксиям анча сўраса керак?

Хотини такси харажатини эслатгандан кейин Саъдибек ноилож "Нексия"ни гараждан чиқарди.

Улар ресторандан бир бекат беридаги тўхташ жойига қайрилишди. Кичкина фанер будкадаги малла соч, ширакайф қоровул йигит, тайинлаб қолди:

– Братан, стоянка соат ўн иккигача ишлайди. Машинани ровно ўн бир яримда олиб кетасиз, окей?!

– Бўлди, тушундим, соат ўн бир яримда, как штик, шу ерда бўламиз! – деди Саъдибек.

Уларни ресторанга кираверишда юбилярнинг ўзи қарши олиб, ёнида турган божасига:

– Боқивой, куёв билан жиян яхши жойга ўтқазилсин, – деди.

– Бизга хизматлар бўса... – деди Саъдибек қўлини кўксига қўйиб.

– Куёвга қандай хизмат бўлиши мумкин? Хизмат шу, ўтириб мазза қилиб, дам олиб кетсанглар, биз хурсанд! Боқивой, давай, буларни опкиринг!

Боқивой олдинга тушиб, Саъдибек билан Кимёхонни ичкарига бошлади.

Тунги соат ўн бир, зиёфатнинг кульминацияси ўта бошлаган, меҳмонларнинг ярмидан кўпи кетган, қолганлар ҳам кетиш ҳаракатига тушган пайтда, Саъдибек хотинини аста туртиб, қўлидаги соатига ишора қилди. Хотин "тушундим" дегандай бош силкиб, ўрнидан туриб, тўрдаги столда ўтирган тоғасининг қаршисига бориб, энгашиб, кетишга изн сўради. Тоға атрофига аланглаб, чиқаверишда ҳушёр турган божасини ёнига имлаб чақириб, қулоғига нимадир деди. Божаси бош силкиб, шошилиб ташқарига юрди. Кимёхон эрининг ёнига бўшашиб келди.

– Тоғамлар божасига: "Буларни уйига ташлаб қўй!" дедилар. Чиқиб, сиз овора бўманг, ўзимиз кетамиз, деб қўя қоламиз.

Эр-хотин ташқарига чиқишганида Боқивой "Мерседес"ни зина қаршисига кўндаланг қўйиб, орқа эшикни очиб турарди.

– Карета подана, почча! – деди у жилмайиб.

– Раҳмат, каретага ҳожат йўқ, сизни овора қимай, ўзимиз кетамиз, – деди Саъдибек.

– Ҳеч овораси йўқ, ҳурматингиз бор, – жилмайди йигит.

Саъдибек яна нимадир демоқчи эди, йигит уни қўлтиғидан олиб, мажбурлаб орқа ўриндиққа ўтқазди. Кимёхон ҳам бўшашиб, эрининг ёнига ўтиришга мажбур бўлди.

Жойидан шитоб билан қўзғалган "Мерседес" ҳали улар машинани қолдирган тўхташ майдони ёнидан шувиллаб ўта бошлади. Ҳувиллаб қолган тўхташ майдонида ёлғиз тўқ-қизил рангли "Нексия" мунғайиб турарди.

Эр-хотин ортда қолган машина кўздан йўқолгач, бирданига уҳ тортиб юборишди.

Ҳожатбарор йигит ўнг қўли билан диск танлаб, магнитофонга қўяр экан деди:

– Божамиз куёв билан жиянни обориб, дарвозадан уйга кирғазиб, қайтасан, деганлар. У киши айтганларидан кейин бажармасак бўладими? – деди, сўнг магнитофон тугмасини босди.

Салонда ҳофизнинг тингловчини сел қиладиган соҳир овози янгради:

"Баҳор айёмидур дағи йигитликнинг авонидур,

Кетур, соқий, шароби нобким, ишрат замонидур..."

Аммо бу овоз орқа ўриндиқда, Қуйлиқдан машина қолган жойга етиб келишни ўйлаб, ғужанак бўлиб ўтирган эр-хотиннинг қулоқларига кирмасди...

**Дилфуза АКБАРОВА.**

## Бу – қизиқ

### МУАЛЛИФИ – МУҲОЖИР

Биз кундалик ҳаётимизда бир қанча турли хил белгилардан фойдаланамизу уларнинг келиб чиқиши ҳақида қизиқмаймиз ҳам. Ваҳоланки белгилар замирида қизиқ воқеалар мужассам бўлган.

Шундай қилиб, 235 йил аввал, яъни 1778 йил апрель ойининг биринчи кунида, ҳозир деярли ҳаммага таниш белги -$ ўйлаб топилган. Ирландиялик муҳожир Оливер Поллок Америкага ўрнашиб олгач, омади келиб ўз бизнесини яхши юргизади. Айниқса, Америка-Англия уруши даврида қурол-яроғ олди-сотдиси билан шуғулланиб, катта бойлик орттиради. Лекин мустақиллик учун курашаётганларда ҳали на давлат ва на ўз пул бирлиги бўлмагани сабабли, барча ҳисоб-китоблар испан песосида амалга ошириларди. Уни қисқартириб – PS тарзида ишлатишарди.

Поллок бу аббревиатурани янада қисқартириб, "Р"ни ўрнига "S"ни устидан тўғри чизиқ ўтказган ҳолда ёза бошлади. Қурол олди-сотдисидан тушадиган фойданинг ҳисобини олиб борувчи конгрессмен Роберт Моррисга бу белги жуда ёқиб қолади. Лекин орадан саккиз йил ўтгачгина, яъни АҚШ доллари пайдо бўлганда $ белгисини унга ёпиштириб қўйишди. Шундан бери бундай белгили қоғозлар ўз мавқеини ушлаб турибди.

## Рассом хандаси




ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 236-55-59, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 236-55-54.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Равшан ЁҚУБЖОНОВ
Навбатчи Бекзод ҲИДОЯТОВ
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма J 7501. Адади 7 758. Баҳоси келишилган нархда. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.00.